

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

---

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**НИЗАМОВ СОБИРЖОН АЪЛАЕВИЧ**

**САҲРО МИНТАҚАСИ СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИДА  
ТОКСИКАНТЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИ ВА УЛАРНИНГ ЗАҲАРЛИ  
ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ  
(Қашқадарё ҳавзаси қуйи қисми тупроқлари мисолида)**

**06.01.04 – «Агрокимё»**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy  
(PhD) on agricultural sciences**

**Низамов Собиржон Аълаевич**

Сахро минтақаси суғориладиган тупроқларида токсикантларнинг тарқалиши ва уларнинг заҳарли таъсирини камайтириш йўллари (Қашқадарё ҳавзаси қуйи қисми тупроқлари мисолида)..... 3

**Низамов Собиржон Аълаевич**

Распространение токсикантов в орошаемых почвах пустынной зоны и пути снижения их токсичного воздействия (на примере почв нижней части бассейна Кашкадарьи) ..... 21

**Nizamov Sobirjon A'layevich**

Distribution of toxicants in irrigated soils of desert zone and ways to decrease their poisonous effect (on the example of soil of lower part of Kashkadarya basin)... ..... 40

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 42

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**НИЗАМОВ СОБИРЖОН АЪЛАЕВИЧ**

**САҲРО МИНТАҚАСИ СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИДА  
ТОКСИКАНТЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИ ВА УЛАРНИНГ ЗАҲАРЛИ  
ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ  
(Қашқадарё хавзаси қуйи қисми тупроқлари мисолида)**

**06.01.04 – «Агрокимё»**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Qx335 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.soil.uz>) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (<http://www.ziynet.uz>) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Рискиева Хуршида Турсуновна**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

**Расмий оппонетлар:**

**Турсунов Хамза Ҳамдамович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор  
Ўзбекистон Миллий университети.

**Ураимов Тождин**  
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент,  
Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали.

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2020 йил « 15 » 06 соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00; e-mail: info@soil.uz

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (417- рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+998) 71 246-15-38


Диссертацияси автореферати 2020 йил « 03 » 06 куни тарқатилди.  
(2020 йил « 03 » 06 даги № 4 -рақамли реестр баённомаси)

  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, б.ф.д., профессор.

**Р.Қ.Кўзиёв**

  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, к.х.ф.ф.д., катта илмий ходим.

**Ж.М.Кўзиёв**

  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., катта  
илмий ходим.

**Н.Ю.Абдурахмонов**

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё бўйича «қишлоқ хўжалигида оғир металллар билан ифлосланган 1,4 миллион гектар ер аниқланган бўлиб, шундан биринчи даражали хавфли синф элементлари билан ифлосланган тупроқлар улуши 2 фоизни, иккинчи даражали хавфли синф (мис) элементлари 3,8 фоизни ташкил қилади. «Восток» метеорология марказининг маълумотларига кўра ҳар йили кўрғошин элементи Россия худудига Украинадаги манбалардан тахминан 1100 тонна, Польша ва Белоруссиядан 180–190 тонна, Германиядан 130 тоннадан ортиқ, кадмий учун эса бу кўрсаткич ҳар йили Украинадан 40 тонна, Польшадан деярли 9 тонна, Белоруссиядан 7 тонна, Германиядан 5 тонна кўпроқ келиб тўпланади»<sup>1</sup>.

Дунёда суғориладиган тупроқларнинг экологик ҳолати, тупроқ қатламларида токсикантларнинг ҳаракатчан шакллари тўпланиши ҳамда атроф-муҳитни ифлосланган майдонларини белгилаш, токсик моддаларнинг тупроқ профили бўйлаб ҳаракати, оғир металлларнинг тупроқ механик таркибига боғлиқлиги ва хосса-хусусиятларига таъсири, оғир металл ва қолдиқ пестицидларни аниқлаш орқали маҳсулот етиштириладиган қишлоқ хўжалик ерларини экологик жиҳатдан баҳолашга, токсикантларни тупроқ таркибидан камайтиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, тупроқ унумдорлигини тиклаш, экологик ҳолатини яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган суғориладиган тупроқлари ва уларда етиштириладиган маҳсулотлар таркибини экологик жиҳатдан тоза бўлишига доир илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамиз суғориладиган тупроқларида захарли таъсир этувчи токсикантларни трофик занжир бўйлаб ҳаракатини камайтириш, уларнинг миқдорини биологик усуллар ёрдамида майда уруғли (тарик) ўсимликлар экиш орқали камайтириш ва тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияда «...мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш»<sup>2</sup> бўйича вазифалар белгилаб берилган. Шунинг учун тупроқ таркибида тўпланиб бораётган токсик элементларнинг ҳамда қолдиқ хлорорганик пестицидларнинг миқдорини, токсикантларни тупроқ микроорганизмларига таъсирини аниқлаш, шунингдек, токсикантларни камайтиришга қаратилган ишланмаларни амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали

<sup>1</sup> <https://cyberleninka.ru/>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармон.

фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикаимизнинг тупроқ таркибида тўпланиб бораётган оғир металллар ҳамда қолдиқ пестицидлар ва уларни таъсирини аниқлаш бўйича хорижлик ва республика олимларидан Р. Panagos, L.R. Lado., Н.А. Черных, С.Л. Давыдова, Р.Р. Иванова, Ю.О. Корюкова, С.В. Лукин., И.А. Лебедевский, Ю.М. Каниболоцкаялар, А.О. Мамбеткаримов, А.А. Андрианов, Х.Т. Рискиева, Х.Х. Турсунов, Ш. Холиқулов, Н. Джураева, Р. Рискиев, О.Ф. Файзуллаев, Х.Н. Каримовлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Лекин, ҳозирги кунда тупроқ таркибида тўпланиб бораётган оғир металллар ҳамда қолдиқ пестицидларнинг миқдорларини ва уларнинг гумус билан турлича даражада таъминланган тупроқлар хоссаларига таъсирини аниқлаш, микроорганизмлар ёрдамида токсикантлар ионини хужайра қобиғи орқали капсулалар ҳолига келтириш ва ҳаракатчанлигини фаолсизлантириш, биологик йўл орқали, яъни фиторемедиация усули ёрдамида камайтириш ҳамда тупроқларнинг токсикантлар билан ифлосланишини акс эттирувчи тупроқ экологик 3D хариталарини тузиш бўйича илмий тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-7-315 «Антропоген ўзгаришларга учраган ландшафтлар тупроқларининг биогеокимёвий ҳолати ва экологик омиллари. Суғориладиган тупроқларнинг токсик таъсирга чидамлик чегараси» (2006–2008 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Қашқадарё ҳавзасининг саҳро қисмида тарқалган тупроқ-сув-ўсимлик тизимининг токсикантлар билан ифлосланганлик даражасини ҳамда тупроқларнинг экологик ҳолатини аниқлаш, шунингдек, гумус миқдори турли хил бўлган тупроқларда токсикантларнинг тупроқ биотаси, фаунаси, флорасига таъсирини ҳисобга олган ҳолда тупроқларнинг оғир металллар билан ифлосланишини кўрсатувчи экологик 3D хариталарини ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Қашқадарё ҳавзаси саҳро тупроқларининг экологик хусусиятларини, захарли моддалар билан ифлосланишини ва уларнинг захираларини ўрганиш;

заҳарли моддаларнинг тупроқлар экологик ҳолатини бузилишига олиб келувчи чегаравий катталикларини аниқлаш;

лаборатория тажрибаси ёрдамида гумус миқдори турлича таъминланган токсикантлар билан ифлосланган тупроқларнинг хосса-хусусиятлари ва микробиологик ўзгаришларини аниқлаш;

тупроқларни токсикантлар билан ифлосланганлигини акс эттирувчи экологик 3D хариталарини тузиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш;

**Тадқиқотнинг объекти** Қашқадарё ҳавзасининг оч тусли бўз ва чўл тупроқлар минтақасида тарқалган суғориладиган сур тусли қўнғир-ўтлоқи, бўз-ўтлоқи, тақир-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқлар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** тупроқ, сув, ўсимлик, тупроқнинг агрохимёвий ҳолати, озиқа элементлари, оғир металлар, пестицидлар, ўсимлик маҳсулотларининг токсикологик ҳолати, экологик 3D хариталар.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитида олиб борилган бўлиб, олинган натижалар «Методы агрохимических анализов почв и растений», «Методы агрофизических исследований», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» каби услубий қўлланмалар асосида физиологик, микробиологик усуллардан фойдаланиб таҳлил қилинди. Оғир металлар атом-абсорбцион усули билан ААС лампали аппаратида, пестицидларнинг гексанли суюқ муҳитида «Масс хроматограф» аппаратида аниқлаш йўли билан, микроорганизм гуруҳлари Красильников, Гаузе усулларида, микровегетация «Миниатюра» тажрибаси Нейбауэрнинг Голодковский томонидан қайта ишланган усули асосида олиб борилди. Олинган маълумотларнинг статистик таҳлили «Microsoft Excel» компьютер дастури ҳамда Н.А.Плохинский, А.В.Соколов, Г.Ф.Лакин ва Б.А.Доспеховнинг услуби бўйича амалга оширилган. Ўрганилган ҳудудларнинг экологик 3D хариталарини тузиш ишлари «Blender» - 3 ўлчамли моделлаш дастури, «Abode Illustrator» - инфографика дастури ҳамда «Abode Photoshop» – расмлар дизайн дастурлари асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

оғир металларнинг хавфлилик синфи бўйича биринчи қаторда турувчи кўрғошин элементи учун ифлосланиш градацияси ишлаб чиқилган;

оғир металларнинг тупроқ таркибида рухсат этилган меъёрларидан 0,5;1;2;4 баробар кўп бўлганда уларни камайтиришга қаратилган фиторемедиация агротадбири такомиллаштирилди;

суғориладиган тупроқларда оғир металларнинг тўпланиши саноат корхоналаридан 10 км ва ундан ортиқ масофаларда шамол йўналишларига боғлиқлиги исботланган;

Касби, Нишон ва Муборак туманларида тарқалган касалликларнинг атмосфера ҳавосига ажралаётган чиқинди газлар ҳамда ҳудуд тупроқларининг ифлосланишига боғлиқлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

чўл минтақаси суғориладиган тупроқларида тўпланиб бораётган оғир металлар ва қолдиқ пестицидларнинг миқдорлари аниқланган ҳолда таянч массивларда оғир металлардан хром, никель, кўрғошин ва кадмий

элементлари билан ифлосланиш ҳолатини акс эттирувчи тупроқ экологик 3D хариталари тузилган ва шу асосда тупроқ қопламида токсикантларни камайтиришга қаратилган тадбирларни олиб борилиши лозимлиги илмий асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг лаборатория ва дала тажрибалари умум қабул қилинган услублар асосида бажарилганлиги, ҳар йили махсус ташкил этилган апробация комиссиясидан ижобий баҳоланганлиги, қўйилган вазифаларга ҳамда тупроқнинг экологик ҳолатига комплекс ёндошилганлиги, янги замонавий компьютер дастури асосида маълумотларга математик-статистик ишлов берилганлиги, замонавий геоахборот тизимидан фойдаланилганлиги, тупроқ экологик хариталарнинг тузилганлиги, олинган маълумотларни республика ва халқаро конференцияларда муҳокама этилганлиги ҳамда Олий Аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий ва республика журналларида чоп этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қашқадарё хавзаси чўл қисми тупроқларини токсик элементлар билан ифлосланиш даражалари аниқланганлиги, гумус миқдори турли хил бўлган тупроқнинг агрокимёвий, микробиологик ҳолатига токсик элементларнинг таъсири, саноатдан узоқлашган сари оғир металлларнинг тупроқда тўпланишининг ортиб бориши, қўлланилган пестицидлар миқдорининг тупроқ қатламларида парчаланishi жараёни кетаётганлиги, тупроқларни оғир металллар билан ифлосланганлигининг хром→никель→кўрғошин камайиб борувчи қаторини ташкил қилиши, ўсимликларнинг униб чиқишини оғир металлларнинг тупроқда рухсат этилган миқдорларга боғлиқлигини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, Муборак туманидаги таянч массивлар бўйича тузилган тупроқ экологик 3D хариталари ва такомиллаштирилган фиторемедиация агротадбирлари чўл минтақаси суғориладиган тупроқларини токсикантлар билан ифлосланишини олдини олиш, тупроқларда заҳарли элементлар миқдорини камайтиришга қаратилган экологик тадбирларни белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қашқадарё хавзаси қуйи қисми суғориладиган тупроқларида токсикантларнинг тарқалиши ва уларнинг заҳарли таъсирини камайтириш йўллари ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг илмий натижалар асосида:

чўл минтақаси суғориладиган тупроқларида кўрғошин токсик элементи билан ифлосланиш даражаси бўйича градация ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2019 йил 13 ноябрдаги 02/027-3640-сонли маълумотномаси). Натижада, ушбу градация «Гулистон» ва «Хитой» массивларининг тупроқ экологик хариталарини тузилишида асос бўлиб хизмат қилган;



тупроқ таркибида умумий ва ҳаракатчан шакллардаги хром, никель, кадмий ва кўрғошин элементларининг тарқалиши ўрганилган бўлиб, ифлосланиш даражасига таянган ҳолда оғир металллар билан ифлосланишининг тупроқ экологик 3D хариталари ишлаб чиқилган ва «Хитой» массивининг 3393 гектар, «Гулистон» массивининг 4926 гектар майдонларида амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2019 йил 13 ноябрдаги 02/027-3640-сонли маълумотномаси). Натижада, ушбу тупроқ экологик 3D хариталар суғориладиган тупроқларда захарли элементларнинг камайтиришга қаратилган экологик тадбирларни белгилаш имконини берган;

оғир металлларнинг тупроқ таркибида рухсат этилган меъёрларидан 0,5;1;2;4 баробар кўп бўлганда уларни камайтиришга қаратилган фиторемедиация тадбири такомиллаштирилган ва амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2019 йил 13 ноябрдаги 02/027-3640-сонли маълумотномаси). Натижада токсикантлар билан ифлосланган майдонларда майда уруғли ўсимликларни 4 марта такрорий экиб олиниши 1 грамм тупроқда микроорганизмлардан актиномицетлар  $1,2 \cdot 10^6$  КХБ, олигонитрофилларни  $2,36 \cdot 10^6$  КХБ, актиномицетларнинг назоратга нисбатан 2,5 баробарга ошишига ҳамда зоофаунанинг қайта тикланишига эришилган.

оғир металллар билан ифлосланган майдонларда уларнинг ҳаракатчан шакллари камайтиришга қаратилган фиторемедиация усули такомиллаштирилган ҳамда Қашқадарё вилояти Муборак тумани «Гулистон» массивининг «Абдуваҳоб Абдуҳалимов» номли фермер хўжалигида 2 гектар, «Ихтиёр Қўйлиев» номли фермер хўжалигининг 3 гектар ер майдонида амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2019 йил 13 ноябрдаги 02/027-3640-сонли маълумотномаси). Натижада, ўсимликлар аккумуляцияси орқали тупроқ таркибида ортиқча бўлган хром элементи 2,85 мг/кг, никель элементи 3,16 мг/кг миқдорда камайишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 6 та, жумладан 2 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий мақола чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари

ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий ва амалий натижалари, янгилиги баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги, назарий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертацияни тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тупроқларни токсик зарарланишининг асосий муаммолари ва уларнинг атроф-муҳитга салбий таъсири (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тупроқларда токсикантларнинг захарли таъсирини камайтириш, оғир металлар билан ифлосланиши ва унга қарши кураш чораларини тадқиқ қилишга қаратилган хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили келтирилган. Қайд қилинган адабиётлар таҳлилининг якуний хулосасида жаҳонда олиб борилаётган ишлар ичида экологик ҳолатга ҳамда инсон саломатлигига катта аҳамият берилаётгани, қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришда экологик тоза ва сифатли ҳосил олишга катта эътибор бериш лозимлиги, шу орқали инсонлар саломатлигига салбий таъсир этувчи токсик моддалар миқдорларини имкон қадар қишлоқ хўжалик ерларида камайтиришга эришиш зарурлиги бўйича хулоса баён қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказилган жойнинг табиий шароитлари ва тажриба усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ҳудудининг геолого-литологик шароитлари, географик жойланиши, тадқиқот ҳудудининг тупроқ қоплами, иқлими, инфраструктураси, таянч массивлар ва қўлланилган усуллар, лаборатория тажрибаси учун танланган тупроқлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Қашқадарё вилоятининг текислик қисми асосан тўртламчи давр ётқизиклари билан қопланган. Бу ётқизиклар асосан юқори бур ва учламчи давр ётқизиклари устида ривожланган.

Лаборатория тажрибаси 4 қайтариқдан иборат бўлиб, идишларнинг бўйи 3,5 см бўлган полиэтелен стаканларда ўтказилган, диаметри 4,0 см идишдаги тупроқнинг оғирлиги – 100 г., ўсимликлар сони 10 дона, 1 дона ўсимлик учун 10 г. тупроқ ҳисобида, тупроқ намлиги – тўла нам сифимининг 60 фоизини ташкил этган. Ёруғлик ва ҳаво ҳарорати – табиий. Ниҳолларни йиғиб олиш – униб чиққандан кейин 25 кун. Экиладиган экин тури – тарик.

### **Тажриба схемаси**

- |                           |                                   |
|---------------------------|-----------------------------------|
| 1. Назорат;               | 8.Тупроқ + 2 РЭМ Cr;              |
| 2. Тупроқ + 0,5 РЭМ ГХЦГ; | 9.Тупроқ + 4 РЭМ Cr;              |
| 3. Тупроқ + 1 РЭМ ГХЦГ;   | 10. Тупроқ + 0,5 РЭМ Ni;          |
| 4. Тупроқ + 2 РЭМ ГХЦГ;   | 11. Тупроқ + 1 РЭМ Ni;            |
| 5. Тупроқ + 4 РЭМ ГХЦГ;   | 12. Тупроқ + 2 РЭМ Ni;            |
| 6. Тупроқ + 0,5 РЭМ Cr;   | 13. Тупроқ + 4 РЭМ Ni;            |
| 7. Тупроқ + 1 РЭМ Cr;     | 14. Тупроқ +4 РЭМ ГХЦГ + Cr + Ni. |

Диссертациянинг «**Қашқадарё вилояти чўл зонаси суғориладиган тупроқларининг агрокимёвий хоссалари ва токсикант элементлар нисбати**» деб номланган учинчи бобида ҳудуд тупроқларининг агрокимёвий

ҳолати, оғир металллар миқдори, хлороорганик инсектицидларнинг қолдиқ миқдорларини ўрганишга оид тадқиқот натижалари келтирилган бўлиб, унинг «*Тупроқларнинг механик таркиби*» 3.1-бўлимида, Нишон, Касби ва Муборак тумани чўл қисми тупроқларининг механик таркиби турлича бўлиб, уларнинг генезиси, тупроқ ҳосил қилувчи она жинслари ва инсонларнинг маданий ирригация ва мелорация фаолияти билан боғлиқ. Тупроқ ҳосил қилувчи она жинслар асосини аллювиал, пролювиал, лёсс, лёссимон, аллювиал-пролювиал, делювиал-пролювиал ётқизиклар ташкил қилади. Шу сабабли ётқизикларда ҳосил бўлган тупроқларнинг механик таркиби ҳам турлича бўлиб, оғир кумоқдан то кумгача бўлган таркибни ташкил қилади.

Тупроқлар механик таркибининг бир хил эмаслиги битта кесма кесимида ҳам кузатилади. Суғориладиган ўтлоқи ва тақирсимон-ўтлоқи тупроқлар асосан оғир, ўрта, енгил кумоқли механик таркибли бўлиб, кесма бўйича пастга томон кумоқли ётқизиклардан ташкил топган.

«*Тупроқларининг шўрланганлик ҳолати*» 3.2-бўлимида, танланган худудларнинг шўрланиш даражаси бўйича текширилган туманлар жуда турли-туман, асосан литологик, геоморфологик, гидрогеологик, иқлим, тупроқ - мелиоратив ва ирригация-хўжалик худуд шароитларини намоён қилади, текширилган тупроқлар туз миқдори бўйича асосан кам ва ўртача шўрланган ва айрим ҳолларда кучли шўрланганлиги келтирилган.

«*Танланган массивларнинг агрокимёвий ҳолати*» 3.3-бўлимида, ҳар бир хўжалиқдан олинган тупроқларнинг агрокимёвий хоссаларига таърифлар берилган.

Муборак тумани «Хитой» массивида суғориладиган тақир-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқлар тарқалган. Қашқадарё дельтаси ўрта қисмининг чўл зонасида жойлашган. Суғориладиган ўтлоқи тупроқларда унумдорликнинг асосий кўрсаткичи бўлган гумус миқдори ҳайдов қатламда 0,828–0,397% атрофида эканлиги аниқланган бўлса, ҳайдов ости қатламида унинг миқдори 0,666–0,328 фоизгача оралиқларда кузатилган. Тупроқнинг умумий азот миқдори ҳайдов қатламда 0,052 фоиздан 0,038 фоизгача ўзгаради, ҳайдов ости қатламларда унинг миқдори янада камайиб 0,044–0,032% атрофида кузатилди. Массивда тарқалган суғориладиган тақир-ўтлоқи тупроқлари агрокимёвий ҳолатини шўрланиш даражасига боғлиқ ҳолатда ўзгариши солиштирилганда, гумус кучсиз шўрланган тупроқларда ҳайдов қатламда 0,612% (кам таъминланган) миқдорида, пастки қатламлар томон 0,233% миқдорида камайиши кузатилган. Умумий шаклдаги озика элементлари гумус миқдори билан узвий боғлиқлиги аниқланган. Углероднинг азотга бўлган нисбати барча қатлам тупроқларида номуносив эканлиги қайд этилди.

Муборак туманининг «Гулистон» массиви Қашқадарёнинг қуйи дельтасида жойлашган бўлиб, тупроқлари асосан аллювиал ётқизикларда ҳосил бўлган, кучсиз маданийлашган, енгил кумоқли, ўтлоқи тупроқлардир. Кучсиз шўрланган янгидан суғориладиган 10 та кесмаларнинг ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида гумус миқдори 0,547–0,476%, учинчи қатламда ўртача 0,395%, тўртинчи қатламда 0,304%, бешинчи қатламда 0,277%,

олтинчи қатламда 0,281 фоизгача камайиши, она жинс томон эса 0,202 фоизгача камайиб бориши аниқланган.

Суғориладиган ўтлоқи тупроқларда шўрланишнинг таъсири натижасида углероднинг азотга нисбати пастки қатламларга қараб бир хил эмаслиги қайд этилган. Масалан, кучсиз шўрланган тупроқларнинг ҳайдов қатламидан тупроқ она жинси томон 6,3 дан 5,1 нисбатгача камайиб бориши аниқланган.

Касби тумани «Пахтакор» массиви оч тусли бўз тупроқлар минтақасида тарқалган бўз-ўтлоқи, кучсиз шўрланган 14, 16-кесмаларнинг ҳайдов қатламида гумус миқдори 0,669%, таъминланиш даражаси бўйича (0,5–1,0%) кам таъминланган, ҳайдов ости қатламда ҳам унинг кам таъминланганлиги аниқланган, тупроқ кесимининг қуйи қатламларига қараб 0,333 фоизгача камайиб боради. Гумус миқдори бўз-ўтлоқи тупроқларга қараганда ўтлоқи тупроқларнинг ҳайдов қатламида 0,785% (15, 22-кесмаларнинг ўртачаси) бўлиб, пастки қатламлар томон ҳам бўз-ўтлоқи тупроқларга нисбатан 0,200 фоизга юқори эканлигини кузатиш мумкин.

Касби тумани «Ғалаба» массивида тарқалган ўтлоқи ва бўз-ўтлоқи тупроқлари ҳам гумус билан кам таъминланган. Ўтлоқи, кучсиз шўрланган тупроқларнинг ҳайдов ва ҳайдов ости қатламлари гумус билан жуда кам таъминланган бўлиб 0,469–0,391 фоизни ташкил этади. Бўз-ўтлоқи тупроқларга нисбатан 0,062–0,067 фоизга ортиқ эканлиги аниқланган. Тупроқларда аниқланган углероднинг азотга нисбати бўз-ўтлоқи тупроқларда 5,2 дан 5,7 гача эканлиги аниқланган (1-жадвал).

#### 1-жадвал

**Касби тумани «Ғалаба» массивида тарқалган тупроқларнинг агрохимёвий хоссалари, кесмаларни шўрланишига боғлиқ ҳолда қатламлар бўйича ўртачаси**

Қат- лам	Гумус, %	Умумий, %			C:N	Харакатчан, мг/кг		
		N	P	K		N-NO <sub>3</sub>	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O
Суғориладиган ўтлоқи, кучсиз шўрланган. 37, 38, 39, 40-кесмалар								
1	0,469	0,040	0,142	1,28	6,8	29,55	29,95	300
2	0,391	0,035	0,127	1,18	6,5	24,23	20,30	264
3	0,292	0,028	0,114	1,10	6,0	16,46	10,50	234
4	0,239	0,023	0,102	1,04	6,0	11,53	9,93	233
5	0,177	0,018	0,085	0,97	5,9	9,45	8,35	216
Суғориладиган, бўз-ўтлоқи, кучсиз шўрлашган. 41-кесма								
1	0,407	0,045	0,146	1,44	5,2	32,5	25,3	389
2	0,324	0,036	0,124	1,22	5,2	23,6	15,6	259
3	0,262	0,026	0,118	1,1	5,8	12,4	9,5	210
4	0,206	0,021	0,091	1,04	5,7	8,2	8,1	215

Лекин, ўтлоқи тупроқларда углеродни азотга бўлган нисбати 6,8 дан пастки қатламлар томон 5,9 нисбатга камайиб бориши кузатилган.

Нишон тумани «Уч мола» массивида суғориладиган бўз-ўтлоқи, кучсиз шўрланган тупроқларда (11, 12, 13-кесмалар) гумус ҳайдов қатламларида жуда кам таъминланган бўлиб, пастки қатламлар томон 0,202 фоизга, умумий

азот 0,038 фоиздан 0,020 фоизга, умумий фосфор 0,095–0,68%, умумий калий эса 1,24 фоиздан 0,88 фоизгача ўзгариши аниқланган.

Ҳаракатчан шаклдаги азот билан ўртача даражада таъминланган бўлиб (20–30 мг/кг), ҳайдов қатламида 35,13 мг/кг, ҳайдов ости қатламида 24,13 мг/кг, учинчи қатламдан пастга томон 13,67–8,55 мг/кг гача камайиб боради. Ҳаракатчан фосфор ҳам ҳайдов қатламида 18,87 мг/кг атрофида, таъминланиш даражасига кўра кам (15–30 мг/кг) бўлиб, пастки қатламлар томон 12,67–7,70 мг/кг гача камайиб бориши аниқланган. Ҳаракатчан калий эса барча қатламларда кам таъминланган (190–145 мг/кг) гуруҳга мансуб эканлиги кузатилган.

Диссертациянинг «Қашқадарё ҳавзаси тупроқлари таркибидаги оғир металллар миқдорининг таҳлиллари» деб номланган 3.4-бўлимида Нишон туманидаги «Уч Мола» массивида бўз-ўтлоқи тупроқларини 0–2 ва 30–50 сантиметрли қатламларида никелнинг миқдори 19,7–19,9 мг/кг чегарасида учраган бўлиб, 11, 12, 13-кесмаларда ўртача ҳайдов қатламида 20,3 мг/кг бўлиб, пастки қатламлар томон 19,1 мг/кг оралиғида эканлиги кузатилган.

Оч тусли бўз тупроқлар минтақасида шаклланган суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлари (Касби тумани «Пахтакор» массиви) таркибидаги никель миқдори 0–2 см қатламда ўртача 8,5 мг/кг, 2–10 см қатламда 8,4 мг/кг, 10–20 см қатламда 8,0 мг/кг гача, 20–30 см қатламда 8,3 мг/кг гача, 30–50 см қатламда эса 7,3 мг/кг гача тўпланган.

Муборак тумани «Хитой» массиви тупроқларидаги кўрғошиннинг ҳаракатчан (кислотада эрувчи) шаклининг ҳайдов қатламларидаги ўртача миқдори 8,8–16,7 мг/кг, ҳайдов ости қатламларида эса 6,2–17,5 мг/кг атрофида кузатилган бўлиб, рухсат этилган миқдордан (10 мг/кг) 1,5–1,7 мартага ошганлиги қайд этилган.

Диссертациянинг «Тупроқ ва сувлар таркибидаги хлороорганик инсектицидларнинг қолдиқ миқдорлари» номли 3.5-бўлимида Қашқадарё ҳавзаси тупроқлари ва сувлари таркибидаги хлороорганик пестицидларнинг қолдиқ миқдорлари аниқланган. Ўрганилган тупроқларда хлороорганик пестицидларнинг миқдорлари рухсат этилган миқдорлардан ошмайди, кўп холларда РЭМ дан 5–10 марта кам.

Ўрганилган ҳудуд тупроқлари ХОП ларнинг қолдиқ миқдорлари билан унча катта бўлмаган миқдорда ифлосланиши аниқланган бўлиб, уларнинг тупроқ–сув-ўсимлик тизими бўйлаб ҳаракатланиши кузатилади. Ёввойи ўсимликлар пестицидларни энг кўп олиб чиқиб кетишга қодир, ифлосланган ерларни фитомелиорация қилиш учун фойдаланишни тавсия этиш мумкин.

Диссертациянинг «Тупроқларнинг поллютантлар захарли таъсирига чидамлилигини ошириш ва уларнинг экологик функциясини сақлаш йўллари (лаборатория тажрибаси натижалари асосида)» деб номланган тўртинчи бобида тупроқ микробиологик, агрокимёвий ҳолатига токсикантларни таъсир даражаси аниқланган. «Тупроқ микробиологик ҳолатини токсик муҳитда ўзгариши» деб номланган 4.1-бўлимидаги лаборатория тажрибасида гумус миқдори 0,60–1,05–1,78 фоизни ташкил этган тақирсимон ўтлоқи тупроқларида олиб борилган (2-жадвал).

Гумус миқдори 0,60% бўлган тупроқда умумий азот, фосфор ва калий элементларининг камлиги билан биргаликда, углероднинг азотга бўлган нисбати ҳам номуносив бўлиб, ҳайдов қатламда 5,44 эканлигини кўрсатди.

### 2-жадвал

#### Лаборатория тажрибаси учун танланган тупроқларнинг агрохимёвий ҳолати

№	Гумус, %	Умумий %			C:N	Ҳаракатчан, мг/кг		
		азот	фосфор	калий		N-NO <sub>3</sub>	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O
1	0,60	0,064	0,263	1,25	5,44	20,4	27,06	40
2	1,05	0,101	0,280	2,8	6,03	15,9	36,53	160
3	1,78	0,104	0,708	1,25	9,93	22,4	99,0	179

Танланган тақирсимон ўтлоқи тупроқларнинг гумус миқдорига кўра аммонификаторлар 0,60% гумусли тупроқда  $1,5 \cdot 10^6$  КХБ, 1,05% гумусли тупроқда  $1,63 \cdot 10^6$  КХБ, 1,78% гумусли тупроқларда  $1,75 \cdot 10^6$  КХБ кўрсаткичларида ошиб бориши кузатилган (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Тақирсимон ўтлоқи тупроқларнинг микробиологик ҳолати, минг/г

№	Гумус, %	Аммонификаторлар	Споралилар	Замбуруғлар	Актиномицетлар	Олгонитрофиллар
1	0,6	1500	14	32	2450	4500
2	1,05	1630	15	34	3600	3950
3	1,78	1750	17	30	4600	4800

Тупроқнинг гумус миқдорига (0,60%, 1,05%, 1,78%) мос равишда бир грамм тупроқда спорали бактериялар  $14-15-17 \cdot 10^4$  КХБ, замбуруғлар эса  $32-34-30 \cdot 10^4$  КХБ атрофида учраши аниқланди. Актиномицетларнинг энг кўп миқдори 1,78% гумусли бўлган тупроқда учраб, миқдор жиҳатидан  $4,6 \cdot 10^6$  КХБ ташкил этди. Олигонитрофилларнинг энг кўп миқдори 0,6% ва 1,78% бўлган гумусли тупроқларда учраб, мос равишда  $4,5-4,8 \cdot 10^6$  КХБ ташкил этган.

Микроорганизмларнинг тупроқ унумдорлиги яхшиланишидаги аҳамияти жуда катта бўлиб, лаборатория тажрибасида тупроқ намуналарини сунъий ифлослантиришда кимёвий элементлардан хром (Cr), никель (Ni) ҳамда пестицидлардан ГХЦГ токсикантлари танланган. Бу токсикантлар билан 0,5;1;2;4 (РЭМ) баробар ҳолатда сунъий захарлаб, микроорганизмларнинг ўзгариб бориши кузатилган.

Гумус миқдори 0,60% бўлган 1 грамм тупроқ таркибида аммонификаторлар ифлосланиш даврида бошланғич натижаларга нисбатан -160 минг, 1,05% ли тупроқда -200 минг, 1,78% ли тупроқда эса -190 мингга, мос равишда споралилар -3 минг, -2 минг, -2 минг, замбуруғлар гумус миқдори турлича бўлган тупроқларда 0,60 ва 1,05% гумусли тупроқларда -5 мингдан, гумус миқдори 1,78% бўлган тупроқда эса -6 мингга камайиши аниқланган. Олигонитрофиллар мос равишда 400, 350, 500 мингтагача камайиб бориши қайд этилган.

Микроорганизмларнинг тупроқдаги умумий миқдори ГХЦГ пестициди билан ифлосланган, гумус миқдори 0,60% бўлган тупроқ вариантлари РЭМнинг 0,5;1;2;4 баробар кўп ифлослантирилганда ҳужайралар -1,18 дан -

4,43% атрофида камайиши кузатилган. Микроорганизмлар ичида устунлик килувчи актиномицетлар токсик муҳитда миқдор жиҳатидан камайиши 2,3,4 вариантларда кузатилган бўлса, 4 баробар ифлослантирилганда эса актиномицетлар 500 минг/г ҳужайрага ортганлиги аниқланган.

Микроорганизм физиологик гуруҳлари ўртасида токсик муҳитда чидамлилиқ бўйича ГХЦГ ва хром элементлари билан 0,5;1,0;2,0 баробар ифлослантирилганда гумус миқдори 0,60% бўлган тупроқда 0,3 фоиздан 9,14 фоизгача назоратга нисбатан ошиб бориши кузатилган. Гумус миқдори 1,05% бўлганда фақатгина хромнинг РЭМ 1 баробари билан ифлослантирилган тупроқ микроорганизмлари 8,71% га ортган, қолган 0,5–3 ва 4 баробар ифлослантирилган тупроқларда –0,03 фоиздан –16,16 фоизгача камайиб бориши кузатилган.

Гумус миқдори 1,78% бўлган тупроқлар ГХЦГнинг 4 баробар юқори бўлган РЭМ билан ифлослантирилганда (5 чи вариантда) микроорганизм гуруҳлари –12,61 фоизга камайиб, оғир металлларнинг хром ва никель элементлари билан ҳудди шу миқдорда ифлослантирилган вариантларда ҳам ҳужайраларнинг умумий миқдорининг 1,05% гумусли тупроқда –24,42% га, гумус миқдори 0,60% ва 1,05% бўлган тупроқларда токсикантнинг никель элементи бўлганда вариантлар микроорганизмлар қуйидагича камайиб бориши кузатилган: –4,7, –6,5, –24,0, 24,42.


Бундан ташқари гумус миқдори ҳар хил бўлган тупроқлар барча токсикантларнинг РЭМнинг 4 баробар ортиқ ифлослантирилганда эса микроорганизм ҳужайраларини қуйидагича пасайиб бориши кузатилди. Гумус миқдори 0,60% бўлганда –35,93%, 1,05% бўлганда –27,37%, 1,78% фоизни ташкил этган тупроқларда –30,68 фоизга камайиб кетиши кузатилган.

Актиномицетлар гумус миқдори 0,60% бўлган тупроқларда ифлослантирилгандан сўнг 5,550 мингга, 1,05 ва 1,78% бўлган тупроқларда ўртача 4,300 минг атрофида ошиб бориши кузатилган.

0,5 ва 1 баробар ортиқ РЭМ чегарасидаги хлорорганик пестицидлар фонидagi кам гумушлашган суғориладиган тақирсимон-ўтлоқи тупроқларнинг ҳосилдорлиги 4–9 фоизга ошади, 2 РЭМ (0,2 мг/кг ёки 800 г/га атрофида) бўлганда пестицид киритиш суғориладиган тақирсимон-ўтлоқи тупроқларнинг асосий экологик вазибаларини (тупроқларнинг ишлаб чиқариш қобилиятини таъминлаш) 39 фоизга пасайтиради, 4 РЭМ фонидa эса биоҳосилдорлик 60 фоизга пасаяди

Хром элементининг аккумуляцияси гумус миқдори 1,0 фоиздан юқори бўлган тупроқларда ҳаракатчан бўлиши, яъни 1,05% ва 1,78% гумусли тупроқларда мос равишда 89,06 ҳамда 90,87 миллиграмм кўп миқдорда ўзлаштирган.

Гумус миқдори 0,60% бўлган тупроқларга ГХЦГ элементи билан 0,5 баробар ифлослантирилган вариантимишга июнь ойида экилган тарик ўсимлиги 15,1 мг/кг аккумуляция қилган, бир ва икки баробар ифлослантирилганда 16,9 мг/кг, тўрт баробар кўп бўлганда 15,5 мг/кг атрофида ўзлаштириши аниқланган. Бу ҳолатнинг кузатилиши тупроқнинг бошланғич ифлосланиши дея баҳолашимиз мумкин.



**1-расм. Гумус миқдори 0,60% бўлган тупроқдан ҳаракатчан Cr элементи тарик ўсимлиги ёрдамида олиб чиқилиши, мг/кг**

Тупроқ таркибига сунъий равишда хром солинмаган вариантларда гумус миқдори 0,60% бўлган тупроқда 49,56 дан 92,36 мг/кг, 1,05% тупроқда 81,91 дан 110,29 мг/кг атрофида, 1,78% бўлган тупроқ вариантларида 70,16 мг/кг дан 106,70 мг/кг атрофида аккумуляция жараёни кузатилган. Хром тузи билан РЭМ 0,5;1;2;4 баробар ифлослантилганда эса қуйидаги ҳолатда аккумуляция жараёни кузатилган: 0,60% бўлганда –89,02 → 141,81 → 241,16 → 0,0; 1,05% бўлганда –135,76 → 203,64 → 236,42 → 0,0; 1,78% бўлганда 112,61 → 126,82 → 266,43 → 201,59. Гумус миқдори 1,78% бўлган тупроқларда (9, 14-вариантлар) хром элементи билан руҳсат этилган миқдорлардан 4 баробар ортиқ ифлосланган вариантлардан фарқли равишда, ўсимликларнинг ўсиши кузатилган.

Никель элементи 0,60% гумус миқдори бўлган назорат вариантда 9,32 мг/кг дан 30,84 мг/кг атрофида ўсимлик таркибига аккумуляция қилинган бўлиб, биринчи экишдан сўнг камайиб бориши кузатилган. ГХЦГ билан 0,5 баробар ифлослантилган вариантда хромнинг бир оз юқори ўзлаштириши кузатилган бўлиб, 2–3–4 экиш давомида 60,11 → 8,11 → 9,41 → 9,44 атрофида камайиши кузатилган. Танланган тупроқларда никель элементи РЭМ атрофида бўлганлиги сабабли токсикант ишлатилмаган вариантларда ҳам элементнинг аккумуляцияси кузатилган.

Гумус миқдори турли хил бўлган тупроқлар оғир металллар билан ифлослантилган вариантларнинг барчасида ўсимликлар никель элементини кўп миқдорда тўплаганлиги кузатилган. Гумус миқдори 0,60% бўлган тупроқда тўрт марта такрорий экиш давомида 218,89 → 363,01 → 558,01 → 701,80 миллиграмм, 1,05% бўлганда 69,49 → 112,36 → 217,86 → 208,68 мг/кг, гумус миқдори 1,78% бўлган вариантларда эса 135,44 → 208,02 → 388,05 → 507,54 миллиграмм тўплаб бориши кузатилган.

Гумус миқдори 1,78% бўлган тупроқнинг 14-варианти токсикантларнинг РЭМидан 4 баробар ортиқ комплекс равишда ифлослантилганда никелнинг тарик таркибига аккумуляция қилиниш жараёни кузатилган.



Гумус миқдори 0,60% ва 1,05% бўлган 14-вариант тупроқларига нисбатан ўсимликлар яхши ривожланган.

Диссертациянинг «*Тупроқнинг агрохимёвий ҳолатига токсикантларни таъсир даражасини аниқлаш*» деб номланган 4.2-бўлимида 4 марта такрорий тарик ўсимлиги экиб олинганлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Гумус миқдори 0,60% бўлган тупроқда гумус ўзгаришига ГХЦГ пестицидининг салбий томонлари кузатилмаган, айнан шу ҳолат гумус миқдори 1,05 ва 1,78% бўлган тупроқларда кузатилган. Гумус миқдори назорат вариант тупроғида 0,019 фоизга камайиши кузатилган бўлиб, бу ҳолат ўсимликларни униб чиқиши билан боғлиқ, токсикантни барча фонларида гумуснинг ошиб бориши қуйидагича: 0,006 → 0,009 → 0,005 → 0,007.

Гумус миқдорида оғир металллардан хром элементига нисбатан никелнинг салбий таъсири кўп эканлиги кузатилди. Гумус миқдори никелнинг таъсирида 0,036 фоиздан юқори РЭМ га томон 0,088 фоизгача камайиб бориши кузатилади (–6% дан –15,3 фоизгача).

Токсикантларнинг тупроқ таркибида рухсат этилган миқдорларидан 4 баробар ортиқ бўлган комплекс ҳолатда таъсири натижасида 0,60% бўлган тупроқларда гумус миқдорининг 0,177 фоизга, гумус миқдори 1,05% бўлганда 0,27 фоизга, 1,78% бўлган тупроқларда 0,37 фоизга тушиб кетиши аниқланган. Гумуснинг стресс ҳолатга тушишига таъсир даражаси 1,05% тупроқда 25,7, гумус миқдори 1,78% бўлган тупроқда эса 20,8 фоиз эканлиги аниқланган.

Диссертациянинг «*Тупроқ таркибида токсик элементларнинг кўпайиб боришининг турли хилдаги касалликларни ошиб боришидаги таъсири*» деб номланган 4.3-бўлимида оғир металлларнинг тупроқ таркибида РЭМнинг ошиб боришини аҳоли орасида турли касалликларнинг кўпайиб боришига билан солиштирилган. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 1 январь ҳолатига берган маълумотларига кўра 12 турдаги касалликлар таҳлил этилди. 2006 йилда энг юқори кўрсаткич янги пайдо бўлган ўсмалар бўлиб, бу ҳолат Касби туманига тўғри келган, Янги турдаги ўсмалар билан жами 365 кишининг касалланиши кўрсатиб ўтилган. Айнан шу турдаги касалликлар 2006 йилдаги жами касалликларнинг 88 фоизни ташкил қилади, 2008 йилга келиб ушбу кўрсаткич 77 фоизга камайиши кузатилган.

Касби тумани аҳолисининг орасида қон ва қон яратиш аъзолари касалликлари, иммун механизмига таъсир этувчи айрим бузилишлар 2006 йилга нисбатан 2007 йилда 15512 тага, 2008 йилда эса 16144 тага ошиб бориши кузатилган. Бу ҳолат 2006 йилга нисбатан 2,53 ва 2,63 баробарга ортанлиги аниқланган.

Диссертациянинг «*Тупроқ таркибида тўпланган оғир металллар бўйича экологик 3D хариталарини тузиш*» деб номланган 4.4-бўлимида ҳозирги кунда тупроқ таркибида мавжуд ва тўпланиб бораётган оғир металлларнинг токсик таъсир даражасига боғлиқ ҳолда Муборак туманининг «Гулистон» ҳамда «Хитой» массивларини 1:10000 масштабда тупроқ экологик 3D харитаси тузиш ишлари олиб борилиши келтирилган (2–3-расмлар).

## QASHQADARYO VILOYATI MUBORAK TUMANI

Guliston massivi yerlarining nikel bilan ifloslanish bo'yicha ekologik

XARITASI  
2019 y.



### 42-kesma misolida

shartli belgilar:



og'ir metallardan  
nikelning shkalasi:


- kamroq 5-15
- mo'yorida 16-25
- moy'oridan ortiq 26-30
- yuqori 31-40
- juda yuqori 41-50
- zaxarli >50

Davergoodekadestr qo'mitasi  
Tuproqshunoslik va agrorimyo  
ilmiy-tadqiqot instituti:  
Ilmiy rahbar - Raqibov X.  
Elektrik mutasaddi - Karamov X.  
Xarita tuzuvchi - Nazimov S.

## QASHQADARYO VILOYATI MUBORAK TUMANI

Xitoy massivi yerlarining xrom bilan ifloslanish bo'yicha ekologik

XARITASI  
2019 y.



### 59-kesma misolida

shartli belgilar:



og'ir metallardan  
xromning shkalasi:

- kamroq 10-25
- mo'yorida 26-35
- moy'oridan ortiq 36-45
- yuqori 46-55
- juda yuqori 56-65
- zaxarli >66

Davergoodekadestr qo'mitasi  
Tuproqshunoslik va agrorimyo  
ilmiy-tadqiqot instituti:  
Ilmiy rahbar - Raqibov X.  
Elektrik mutasaddi - Karamov X.  
Xarita tuzuvchi - Nazimov S.

2–3-расмлар. Муборак тумани «Гулистон» ва «Хитой» массиви тупроқларининг оғир металл билан ифлосланиши экологик 3D хариталари.

Муборак тумани «Гулистон» массивининг барча кесмаларида кадмийнинг тупроқ таркибида РЭМдан (0,5 мг/кг) кам эканлиги, кўрғошин элементи билан ифлосланиши кадмий элементига қараганда бир оз юқори, яъни тупроқ қатламларида унинг РЭМдан юқорилиги кузатилди.

Чўл минтақаси ўтлоқи тупроқларидан олинган 45-кесманинг 30–50 см қатлами томон Рb элементи 11,5 мг/кг миқдорда бўлиб, РЭМдан ошиб бориши (РЭМ – ҳаракатчан шакли учун 10 мг/кг) қайд этилди. Айнан 47-кесманинг шу қатламида эса 14,0 мг/кг эканлиги кузатилган.

46–47-кесмаларда кўрғошиннинг меъёрдан ошиб бориши кузатилган бўлиб, 47-кесманинг 2–10 см қатлампдан олинган тупроқларда РЭМдан 2,76 мартага ортган. Кўрғошиннинг тупроқ қатламларида РЭМдан ортиши қуйидагича: 2,17 → 2,113 → 18,3 → 17,4 → 18,4.

Муборак тумани «Хитой» массивида тарқалган суғориладиган ўтлоқи тупроқларнинг хром билан ифлосланиши барча кесмалардан фарқли ўлароқ, РЭМлардан кескин ошиб кетиши кузатилмаган. Харитада ҳам кўришиб турганидек, агарда элементлар учун тупроқда белгиланган меъёрдан кам бўлса хаританинг ранглари турли хил рангларда бўлиши билан ажралиб турганлигини кўриш мумкин. Суғориладиган тақир-ўтлоқи тупроқлар тарқалган майдонлардан жами олтига кесма олинган бўлиб, бу тупроқларда ҳам хром элементи РЭМлардан 1,94 мартагача юқори эканлиги аниқланди.

Тупроқ экологик 3D харитаси Х.Т.Рискиева томонидан ишлаб чиқилган оғир металлар (хром, никель, кадмий) ифлосланиш шкаласи бўйича ҳамда лаборатория тажрибалари асосида қайд этилган кўрғошин билан ифлосланиш шкаласи бўйича тузилган. Тузилган хариталардан энг кўп ифлосланиш хром ва никель элементига тўғри келган (2–3-расмлар).

### ХУЛОСАЛАР

1. Муборак тумани чўл зонасида тарқалган суғориладиган ўтлоқи тупроқларининг ҳайдов қатламида гумус кам (0,828–0,534%) ва жуда кам (0,397–0,429%), умумий азот миқдори ҳайдов қатламда (0–30 см) 0,056 фоиздан 0,044 фоизгача ўзгаради, пастки 50–100 см қатламларда унинг миқдори янада камайиб, 0,040–0,011% атрофида бўлади. Умумий фосфор миқдори ҳам гумус ва азот сингари ҳайдов қатламдан қуйи қатламларга қараб камайиб бориши кузатилган (0,146 фоиздан 0,108 фоизгача).

2. Нишон тумани «Уч мола» массиви тупроқларида никелнинг ҳаракатчан шакли РЭМдан кам, Касби тумани «Пахтакор» ва «Ғалаба» массивлари суғориладиган ўтлоқи тупроқларида РЭМдан 1,30 баробаргача кўп эканлиги, Муборак тумани «Хитой» массивида тарқалган ўтлоқи ва тақир-ўтлоқи тупроқларида энг кам кўрсаткичларда эканлиги аниқланган бўлиб (7,6 мг/кг), пастки қатламлар томон 5,0 мг/кг атрофида кузатилган.

3. Ҳаракатчан кўрғошин элементининг ўртача миқдори «Уч мола» массиви тупроқларида қатламлар бўйича РЭМдан қуйидагича камайиб борувчи катталикларни ташкил қилган: 12,1→12,6→11,1→10,6→10,05 мг/кг. Тупроқ профили бўйлаб РЭМдан ортиб бориши трофик занжир бўйлаб элементларнинг тўпланиш жараёни ва атроф-муҳит захарланишини акс эттиради.

4. Хром элементининг ҳаракатчан шакли билан Нишон тумани «Уч мола» массиви тупроқлари РЭМнинг юқори даражада ифлосланганлиги аниқланган бўлиб, Касби тумани «Пахтакор» массивида тарқалган суғориладиган ўтлоқи тупроқларда 0–2 см қатламдан 30–50 см қатлам томон 78,6→79,8→78,4→77,4→80,2 мг/кг атрофида тўпланиб бориши аниқланган ҳамда бу ифлосланишнинг тупроқ биотаси ва тупроқнинг агрокимёвий ҳолатига таъсир этиши гумус ва озика элементларини стресс ҳолатига тушиши кузатилган.

5. Қашқадарё дарёси ҳавзаси турли геоморфологик минтақалари тупроқлари ва сувларидаги токсикантлар миқдори, минтақа тупроқларининг гумус билан кучсиз таъминланганлигини, никель, хром, қисман кадмий ва кўрғошиннинг ҳаракатчан шакллари ҳамда қолдиқ хлорорганик пестицидлар миқдорларининг юқори даражадаги захарли босимига учраганидан далолат беради.

6. Оғир металлларнинг тупроқ микроорганизмларига таъсири салбий бўлиши унинг гумус миқдорига боғлиқ бўлиб, физиологик гуруҳларга салбий таъсири қуйидаги кўринишда кўпайиб боради: олигонитрофиллар → актиномицетлар → аммонификаторлар → замбуруғлар → споралилар.

7. Қарши чўлининг суғориладиган тупроқларининг унумдорлик даражаси жуда паст бўлганлиги сабабли, ушбу тупроқлар органик ва минерал ўғитларни кўшимча равишда қўллашсиз қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш имконига эга эмас. Минтақа суғориладиган тупроқларини гумус билан жуда кам миқдорда (0,5–0,6%) таъминланганлиги, ушбу тупроқларнинг оғир металллар ва захарли кимёвий бирикмаларни салбий таъсирига қаршилиқ қилиш қобилиятини пасайтириб юборади. Шу сабабли органик модда билан кам таъминланган тупроқлар, хром ҳамда никелнинг 0,5;4 РЭМ шароитида ўсимликларни ўсиши ва ривожланишини таъминлаб бера олмайди, бунинг натижасида ниҳоллар 1–2 чинбарг даврида нобуд бўлади. Бошқача қилиб айтганда ифлосланишнинг энг паст даражасида ҳам тупроқларнинг экологик вазифаларидан бири бўлган ўз-ўзини тозалаш қобилиятига салбий таъсир кўрсатади.

8. Касби туманида токсикантларнинг тупроқлардаги миқдорларини РЭМлардан ортиши натижасида шу минтақа аҳолиси орасида турли кўринишдаги касалликларни: қон ва қон яратиш аъзолари (2007 йилда 9380 тага, 2008 йилда 10012 тага), қон айланиш тизими (2007 йилда 2594 тага, 2008 йилда 4289 тага), овқат ҳазм қилиш аъзолари (2007 йилда 5784 та, 2008 йилда 7119 та), аҳоли орасида тарқалган тери ва тери ости тўқимаси касалликлари (2007 йилда 1745 тага, 2008 йилда 2150 тага) кўпайиши кузатилган.

9. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинаётган суғориладиган ерларда токсикантлар бўйича ифлосланишни мониторинг қилиб бориш, мониторинг натижаларига кўра тупроқларнинг экологик ифлосланиш бўйича 3D хариталарини тузиш ҳамда тузилган хариталарга асосан оғир металллар билан ифлосланган майдонларларда кузги буғдойдан сўнг майда уруғлик ўсимликлар ёрдамида фиторемидиация усули билан оғир металллардан тозалаш агротехнологиясини қўллаш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ  
ИНСТИТУТЕ ПОЧВОВЕДЕНИЯ И АГРОХИМИИ**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ПОЧВОВЕДЕНИЯ И  
АГРОХИМИИ**

**НИЗАМОВ СОБИРЖОН АЪЛАЕВИЧ**

**РАСПРОСТРАНЕНИЕ ТОКСИКАНТОВ В ОРОШАЕМЫХ  
ПОЧВАХ ПУСТЫННОЙ ЗОНЫ И ПУТИ СНИЖЕНИЯ ИХ  
ТОКСИЧНОГО ВОЗДЕЙСТВИЯ  
(на примере почв нижней части бассейна Кашкадарьи)**

**06.01.04 – «Агрохимия»**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2020**



Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2018.4.PhD/Qx335.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии (НИИПА).

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета по присуждению ученых степеней при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии по адресу: ([www.soil.uz](http://www.soil.uz)) и в информационно-образовательном портале "ZiyoNet" по адресу ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)).

**Научный руководитель:**

**Рискиева Хуршида Турсуновна**  
доктор сельскохозяйственных наук.

**Официальные оппоненты:**

**Турсунов Хамза Хамдамович**  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор,  
Национальный университет Узбекистана.

**Ураимов Тождин**  
кандидат сельскохозяйственных наук, доцент,  
Андижанский филиал Ташкентского государственного  
аграрного университета.

**Ведущая организация:**

**Ташкентский государственный аграрный университет**


Защита состоится «15» 06 2020 г. в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии по адресу: 100179, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Камарнисо,3. Научно-исследовательский институт почвоведения и агрохимии (НИИПА). Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00; e-mail: [info@soil.uz](mailto:info@soil.uz).

С данной диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института почвоведения и агрохимии (зарегистрирован за № 417). Адрес: 100179, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Камарнисо, 3. Тел. (99871) 246-15-38

Автореферат диссертации разослан «03» 06 2020 года  
(реестр протокола рассылки № 4 от 03 06 2020 г.)

  
**Р.К.Кузиев**  
Председатель научного совета по присуждению  
учёных степеней, д.б.н., профессор.

  
**Ж.М.Кузиев**  
Учёный секретарь научного совета по присуждению  
учёных степеней, д.ф.с.х.н., старший научный  
сотрудник.

  
**Н.Ю.Абдурахмонов**  
Председатель научного семинара по присуждению  
учёных степеней, д.б.н., старший научный  
сотрудник.

## ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день в мире «определено 1,4 миллиона гектаров сельскохозяйственных земель, загрязненных тяжелыми металлами, из них доля почв, загрязненных элементами первого класса опасности составляют 2 процента, доля почв, загрязненных элементами второго класса опасности (медь) составляют 3,8 процента. По данным метеорологического центра «Восток», ежегодно отмечается привнос свинца на территорию России составляет около 1100 тонн из украинских источников, 180-190 тонн из Польши и Белоруссии, более 130 тонн из Германии, а для кадмия этот показатель составляет 40 тонн из Украины, почти 9 тонн из Польши, 7 тонн из Белоруссии и более 5 тонн из Германии»<sup>3</sup>.

